

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУВ ХЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самардорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, қуриш ва реконструкция қилиш, айниқса, сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Сув хўжалиги объектларининг аксарият қисми 30 — 40 йилдан ортиқ хизмат қилаётганлиги ҳамда уларни лойиҳалашга малакали хорижий экспертларни жалб қилиш, илгор хорижий тажрибани жорий этиш каби масалаларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги сабабли кейинги йилларда айрим сув хўжалиги объектларида техноген вазиятлар ва авариявий ҳолатлар кузатиلىмоқда.

Сув хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш, сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ошириш ҳамда самарали назорат тизимини ўрнатиш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг

2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланганлиги ҳамда **Концепциянинг устувор йўналишлари белгилаб берилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйдагилар **Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни яратиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, ривожлантириш ва қурилиш ишларини сифатли ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хавфсизлик даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва экспертиза қилиш ишларига малакали хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда сув хўжалиги объектнинг хавфсизлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали унинг устуворлигини белгилаш ва амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадда:

1. Қуйдагилар: Ўзбекистон Республикаси **Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси **Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмаси ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга** мувофиқ;

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги **магистраль каналлар (тизмалар) бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 5-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва **ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги ирригация тизими бошқармалари аппаратининг намунавий ту-**

**зилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 6 ва 6а-иловаларга** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги **туманлар (Қува-сой шаҳар) ирригация бўлимининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 7 ва 7а-иловаларга** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги **мелиоратив экспедициялар аппаратининг намунавий тузилмаси 9-иловага** мувофиқ;

**Сув омборларидан фойдаланиш бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сув хўжалиги вазирлиги: зарур ҳолларда Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, худудий бўлинмалар, тизимдаги ташкилотлар тузилмаларида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### КИНО САНЪАТИ ВА СANOАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ, СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни тизимли давом эттириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, юртимизда жаҳон тажрибаси асосида кино ишлаб чиқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, замонавий киносаноат инфратузилмасини яратиш ва кинопрокат тизимини ривожлантириш мақсадиди:

1. Қуйдагилар миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида шакллантириш;

кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, шунингдек, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш ва ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

кино саноатини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, замонавий ва юқори технологик моддий-техник базага эга инфратузилмани яратиш;

кинематография соҳасида кадрлар тайёрлаш, кино ижодкорлари ва техник ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

миллий сериаллар ишлаб чиқа-

ришни давлат томонидан рағбатлантириш, анимацион фильмлар ишлаб чиқаришга ёш мультипликатор ва аниматорларни кенг жалб қилиш;

соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш, кинопрокат тизимини ривожлантириш ва миллий фильмларни жаҳон кино бозорларига олиб чиқиш.

2. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги **Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

3. Агентлик, кино санъати ва саноати вакилларининг қуйдаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин: **“Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалини** таъсис этиш ва уни 2021 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб бориш;

кино санъати ва саноати вакилларининг муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган **Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмаси** нодавлат но-тижорат ташкилотини ташкил этиш; олий таълим муассасаларининг кинематография йўналишида таълим олаётган талабаларини қўллаб-қувватлаш учун **Худойберган Девонсов номидagi давлат стипендиясини** таъсис этиш;

**“Олтин Хумо” миллий кино мукофоти** тақдимотини ҳар йили аънавий равишда ўтказиб бориш;

миллий кинематография соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадиди **“Кинематография фидокори” кўкрак нишонини** таъсис этиш.

4. Агентлик ва Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмаси муассислигида **Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва 1-иловага мувофиқ унинг васийлик кенгаши таркибини шакллантириш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки: **Белгилаб қўйилсинки:** васийлик кенгаши Марказ фаолиятига амалий ёрдам кўрсатади ҳамда Марказ маблағлари ҳисобига фильмларни молиялаштириш шарти ва тартибин белгилайди; миллий фильмларнинг халқаро кинофестиваллар ва жаҳоннинг нуфузли кинобозорларида иштироки Агентлик бюртмасига асосан Марказ томонидан ташкил-лаштирилади;

Марказ ўз фаолияти, жумладан, ҳар бир молиялаштирилаётган фильм, молиялаштириш ҳажми ва шартлари тўғрисида жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб боради.

5. Қуйдагилар **Марказнинг асосий вазифалари** этиб белгилансини маълумот учун қабул қилинсин:

(Давоми 2, 3-бетларда).

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМАРҚАНДДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бен Сок бошчилигидаги делегация Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

### Ҳамкорлик

Самарқанд темир йўл вокзалида меҳмонларни вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов кутиб олди. Шу ерда ўтказилган қисқа муддатли мулоқотда ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб, ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди. Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси делегациясининг ташрифи эса ўзаро муносабатларни янги bosқичда давом эттиришга туртки бўлиши қайд этилди.

Делегация аъзолари Самарқанд-

нинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларида бўлиб, халқимизнинг бой маданий мероси, ажодларимизнинг илм-фан, бунёдкорлик борасидаги юксак салоҳияти акс этган бетакорор меъморий ёдгорликлар билан яқиндан таниди.

— Мен Тошкентда бир неча бор бўлганман, аммо Самарқандга илк бор келишим, — дейди Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бен Сок. — Бу қўна шаҳар ҳақида кўп бор эшитгандим, эшитганларим кўрганларим олдида денгиздан томчи экан. Ўзига



хос кадриятлар мужассам тарихий обидалар мени мафтун этиб, уларнинг қурилиш услуби, архитектурасига қизиқишим ортди. Бундай бунёдкорлик ишлари юртингизнинг шонли тарихи ва ёрқин келажаги-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги “Кино санъати ва саноатини янги bosқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6202-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) хузурида:

а) қуйдагилар ташкил этилсин:

**Ўзбекистон Кинематография академияси** олий таълим муассасаси;

“Республика кинофонди” ДУК негизида бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган **“Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасаси**;

“Ўзбекфильм” ДУК негизида хусусий кинокомпанияларға фильм, мультфильм ва сериаллар яратиш бўйича хизмат кўрсатувчи **“Ўзбекфильм” киноконцерни”** ДУК;

Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бўлимлари;

б) қуйдагилар тугатилсин:

“Мультипликацион фильмлар студияси” ДУК;

“Республика кинопрокат маркази” ДУК ва унинг худудий филиаллари;

“Кинематографчилар уйи” ДУК;

“Киноиндустрия соҳаси ходимлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” ДУК;

в) “Ёшлар ижодий тажриба студияси” ДУК **“Ёшлик” кино-студияси”** ДУК этиб қайта номлансин.

2. Қуйдагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг ташкилий тузилмаси** 1-иловаға мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловаға мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг “Қорақалпоққино” агентлиги** ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бўлимларининг намунавий тузилмалари 3-иловаға мувофиқ;

(Давоми 3-бетда).

## ДАСТУР ИЖРОСИ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Сенати “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этишга қаратилган жамоатчилик эшитувларини ўтказиб келмоқда.

### Эшитув

Давлат дастури 273 та банддан иборат бўлиб, шундан 1 апрель кунига қадар жами 63 та банд бўйича вазифалар ижроси таъминланиши назарда тутилган.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ўтказган навбатдаги жамоатчилик эшитувида Ўзбекистонда туризмини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, Давлат дастурининг 99-бандидаги зйёрат туризми ва ички туризмини ривожлантириш ҳамда 101-бандидаги — Айдар-Арнасой қўллар тизими ҳамда Тўдақул қўллари худудида туристик инфратузилмани ривожлантириш, 102-бандидаги — Жиззах вилоятида замонавий туристик-рекреацион зонаси фаолияти ҳамда халқаро умуммавсуллий тоғ-чанги курортини ташкил этиш, 104-бандидаги — Бухоро ва Хоразм вилоятларининг туризм салоҳиятини паландимия шароитидан сўнг тиклаш ҳамда янада ривожлантириш масалалари бўйича баҳариланган ишлар тўғрисида мутасадди вазирлик ва идоралар масъулла-рининг ахбороти тизилганди.

### Анжуман

ният ва халқ дипломатиясида ҳамкорлик жараёнларида хотин-қизлар иштирокнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга эътибор қаратди. Ўртага ташланган масалалар бўйича назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди.

Анжуман экспертларининг хулосасига кўра, бу каби онлайн мулоқотлар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини рағбатлантиришга, ШХТ мамлакатларининг ушбу йўналишдаги ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

# СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУВ ҲЎЖАЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда амалга ошириш ишларини илмий-техник таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш; сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини қўриш;

сув ҳўжалиги соҳасида ресурс тежайдиган технологиялар, замонавий қурилиш материаллари, илғор хорижий тажрибани кенг қўлаш;

сув ҳўжалиги объектларини бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда тегишли маълумотлар базасини шакллантиришда рақамли технологияларни жорий қилиш;

сув ресурсларининг ҳисоби ва электр энергияси истеъмоли бўйича шаффофлики таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш;

сув ҳўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва аутсорсингни жорий қилиш; сув ҳўжалиги соҳасидаги мутахассислар малакасини оширишни тизимли ташкил этиш, сув ҳўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишни тизимли ташкил қилиш;

трансчегравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш, шунингдек, сув ҳўжалиги соҳасидаги халқро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

3. Сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлигининг **сув ҳўжалиги вазирининг**:

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

йирик гидротехника иншоотларининг, энг аввало, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, қурилишда ва эксплуатация ишлари олиб борилишида хавфсизлик чоралари қўрилиши юзасидан буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ҳамда сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш вазифаларини белгилаш; юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сон Фармони билан жорий қилинган **сув ҳўжалиги вазирининг**:

а) **сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари қўйдагилар учун шахсан жавобгардир**:

сувни тежайдиган технологияларни ҳудудлариниг тупроқ-иқлим шароитлари, ихтисослашувн ҳамда сув ва бошқа зарур ресурслар билан таъминланганлигидан келиб чиқиб жорий этишни ташкил қилиш;

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларнинг ҳисобини юритиш ҳамда давлат субсидияларини ажратиш механизмини автоматлаштириш;

сувни тежайдиган технологияларни қўллаш борасида илмий ва илмий-техник фаолиятни ривожлантириш, сув ҳўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш;

б) **давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси қўйдагилар учун шахсан жавобгардир**:

сув ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва аутсорсинг механизмларини жорий этишни ривожлантириш;

сув ҳўжалиги объектлари бошқарувини рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш;

сув ҳўжалиги объектларида сувнинг ҳисоби ва электр энергияси истеъмолини рақамли технологиялар асосида назорат қилиш орқали сувдан фойдаланиш шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш;

ер усти сувларидан фойдаланиш бўйича давлат сув кадастрини юритишни замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари;

**давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси** лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

4. Сув ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикасида барча сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, **сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин**.

5. Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси** (кейинги ўринларда — Инспекция) **этиб қайта ташкил этилсин**.

6. Белгилансинки, Инспекция Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясининг **ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади**.

7. Белгилансинки:

а) Қўйдагилар **Инспекциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** ҳисобланади:

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув ҳўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан

фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли ҳулоаслар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишлариға замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг аҳолиға ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) **Инспекцияға**:

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишда хавфсизлик бўйича қўрсаткичлар ва мезонларға амал қилинмаган ҳолларда **сув тўплашни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш**;

хавф даражаси юқори бўлган сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, лойиҳа ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг **юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилади**.

8. **“Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни** лойиҳасини замонавий талаблар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш бўйича **ишчи гуруҳи таркиби ва “Йўл харитаси” 1 ва 2-иловаларға** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

**Сув ҳўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг** (кейинги ўринларда — Агентлик) **тузилмаси 11-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйдагилар **Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

сув ҳўжалигида капитал қурилиш тизимини такомиллаштиришға қаратилган устувор инвестиция лойиҳаларини ошқоралик асосида танлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув ҳўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши, экспертизадан ўтказилиши ва бош пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида аниқланишн ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришни ташкил қилиш;

сув омборлари ва бошқа тоифаланган сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза қилиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишға хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

капитал қурилиш лойиҳаларини амалға ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалға ошириш жараёнида юзаға келган муаммоларни бартараф этиш чораларини қўриш.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш марказининг** (кейинги ўринларда — Марказ) **тузилмаси 12-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйдагилар **Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

сув ҳўжалиги тизимини такомиллаштиришға қаратилган хорижий инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, халқро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХҲМТ) маблағлари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини ошқоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш учун ХМИ ва ХҲМТ маблағларини жалб қилиш;

ХМИ ва ХҲМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан, ХМИ ва ХҲМТ маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан, ХМИ ва ХҲМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштириш;

лойиҳалар ва субўйиҳаларни амалға оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

6. Белгилансинки:

Агентлик фаолияти Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Агентлик Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй манзилидаги “А” биноға текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

Марказ Жаҳон банки лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Марказға Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда сув ҳўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимға тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми тиббий ва транспорт хизмати қўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХҲМТ маблағлари, Марказ буюртмачи бўлган лойиҳалар доирасида амалға ошириладиган қурилиш ишларидан ажратмалар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Марказға Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1-“А” уй манзилидаги “А” блокнинг 2 ва 3-қаватлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

7. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) тегишли халқро молия институтлари билан келишилган ҳолда сув ҳўжалигида амалға оширилаётган лойиҳалар доирасида **уч ой муддатда**:

Агентликнинг объектларда техник назоратни амалға оширувчи мутахассислари меҳнат меъёрини белгилаш бўйича нормативлар тасдиқланишини;

Марказ томонидан амалға оширилаётган лойиҳаларнинг қарз (кредит) келишувлари муддатлари узайтирилишини;

Марказ ҳодимларининг ойлик иш ҳақи икки баробарға оширилишини таъминлансин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекосъ) Агентлик ҳамда Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уларни белгиланган

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқаришни** ҳамда ҳамкорликда киномахсулотлар яратишни молиявий **қўллаб-қувватлаш**;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган **фильмлар прокатини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш**;

**маҳаллий ва хорижий инвесторларни** миллий фильмларни ишлаб чиқариш, прокатта бериш ва намойиш этишни молиялаштиришға **жалб қилиш**;

миллий фильмларни хорижий тилларға ҳамда жаҳоннинг энг сара кино асарларини давлат тилиға **субтитрлаштириш ва дубляж қилишни молиялаштириш**;

миллий кино санъати асарларининг **халқро кинофестивалларда иштирок этишини таъминлаш** ҳамда маҳаллий ва халқро кинотадбирларни ташкиллаштириш;

Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда фаолият йўналиши кино санъати ва саноати вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлган **нодавлат нотижорат ташкилотларини грант ва ижтимоий буюртмалар орқали қўллаб-қувватлаш**.

6. **Агентлик буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш** бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқарилишни белгиланган фильмлар **давлат буюртмаси ҳисобланади**;

фильмлар ишлаб чиқариш учун Давлат бюджетидан Агентликка ажратилган маблағларнинг **50 фоизидан ортиқ бўлмаган**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# КИНО САНЪАТИ ВА САНОАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ, СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

кинокомпанияларға фильмни ишлаб чиқариш жараёнида **фильм бюджетининг 10 фоизигача миқдорда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш**ға рұхсат этилади. Бунда нақд пул билан боғлиқ харажатлар бўйича фильм директори (продюсер), режиссёр ва хизмати учун нақд пулни олган шахс томонидан далолатнома тузилади ва у солиқ органиға топширилади;

**фильм прокати Марказ томонидан амалға оширилади** ҳамда бунинг учун фильм смета харажатларида пиар-компания учун ажратилган маблағ Марказға йўналтирилади.

7. Белгилансинки, **миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш** ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларға Агентлик томонидан хар йили **12 миллиард сўмдан** кам бўлмаган миқдорда субсидия маблағлари ажратилади.

Бунда: субсидия олиш учун талабгор телеканал сериал ижодий лойиҳасини Агентликка тақдим этади;

Агентлик Бадиий кенгаши сериалнинг мазмун-моҳияти, мавзуси, телеканал аудиториясини ва рейтингини ҳисобга олган ҳолда субсидия маблағлари ажратиладиган телеканалларни аниқтайди; субсидия олувчи телеканал сериаллар бюджетининг камида **50 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши** лозим.

Агентлик уч ой муддатда миллий сериаллар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича қўшимча молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда давлат дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида амалға оширилаётган ислоҳотлар ҳақида **ҳужжатли ва**

Жаҳон банки лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалға ошириш гуруҳи негизида Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш марказини**;

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув ҳўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалға ошириш агентлигини** ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб:

**бир ҳафта муддатда** Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

**икки ҳафта муддатда** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 3-иловаға мувофиқ ўзгариштирлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 4-иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини хар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

|                                           |                    |
|-------------------------------------------|--------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b> | <b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b> |
| Тошкент шаҳри, 2021 йил 6 апрель          |                    |

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига уланishiни таъминласин.

9. **Сув ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича “Йўл харитаси” 13-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Ҳамраев) **бир ой муддатда**:

Сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, Агентлик ва Марказни зарур назарий билим ва амалий кўникмаларға, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалға ошириш қобилиятиға эға бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Сув ҳўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва улар раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг аниқ қўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларға эришишға асосланган мулоқо янги тизимини жорий этиш, ақин, ўрта ва узоқ муддатли истикболға мўлжалланган соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалға ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини қўрсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда**:

Сув ҳўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни;

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# КИНО САНЪАТИ ВА СANOАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ, СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-қувватлаш тизимини янада таКОмИллаштириш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**10 миллиард сўмдан ортиқ бўлса — 25 фоиз**, бироқ битта фильм учун **3 миллиард сўмдан** ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

б) **маҳаллий кинокомпанияларга** улар томонидан фильм ишлаб чиқаришда тўланган **солиқ суммасининг 50 фоизи** ҳисобот йили якунига кўра **қайтариб берилади**.

Белгилансинки:

мазкур банднинг “а” кичик бандида белгиланган компенсациялар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тўлаб берилади ва бу мақсадлар учун ҳар йили **20 миллиард сўм** маблаг ажратилади;

мазкур банднинг “б” кичик банди сценарийси Агентлик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳаллий аудиовизуал асарларга нисбатан қўлланади;

мазкур банд Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фильмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

10. **Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) Агентлик Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

б) кинокомпаниялар замонавий инфратузилмага эга фильм тасвирга олиш объектларини (павильонларни) барпо этиш бўйича инвестиция киритиш мажбуриятини олган тақдирда, Республика комиссиясининг тақдиминомасига кўра:

уларга ер майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан электрон аукцион савдоларисиз ажратилади;

уларга нисбатан асосий фаолият тури бўйича **фойда ва павилион** joyлашган майдон бўйича **ер соликлари** 3 йил давомида **50 фоизлик ставкада** ўрнатилади;

улар 2024 йилнинг 1 апрелига қадар объектларни жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қириладиган **кино ишлаб чиқариш қурилмалари бўйича божхона божи тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади**.

Бунда, Агентлик инвестиция шартномасини давлат номидан

имзолайди ҳамда ижара мuddати давомида ажратилган ердан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатади.

11. **Кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш** бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) таркибида жами ўриндиқлар сони 250 тадан ва кинозаллари сони 3 тадан кам бўлмаган савдо-кўнгилчолар комплексларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган **25 сотих ер майдонлари бепул ажратилади**;

2021 йил 1 июлдан бошлаб янги қуриладиган савдо майдони 15 минг квадрат метрдан ортиқ савдо-кўнгилчолар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 та кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади;

2024 йил 1 январга қадар кинотеатр (кинозал)лар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини берувчи рақамли (DCP ва ундан юқори форматдаги) кино намойиши қурилмалари билан жиҳозланган тақдирда уларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи, бироқ битта қурилма учун **50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади**;

янги ташкил этилган кинотеатрларга улар фаолиятининг дастлабки **уч ойи давомида Агентлик буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган миллий фильмлар бепул етказиб берилади**.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Республика комиссияси билан биргаликда мазкур Фармон 11-банди иккинчи хатбошисининг ихросини таъминлаш мақсадида:

2021 йил 1 июнга қадар ҳар бир туман марказларида битта, шахар марказларида иккита кинотеатрлари мавжуд савдо-кўнгилчолар комплекслари ташкил этиш учун ер майдонларини ажратсин;

2021 йил 15 июлга қадар ажратилган ер майдонларига инвесторларни жалб этиш учун очиқ танлов ўтказсин ва қoлибларни аниқласин.

13. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар мuddатда кино санъати ва саноати вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида **киношаҳарлар барпо** этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

14. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи, Интеллектуал мулк агентлиғи, Давлат

солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар фильмларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва сотилган ҳар бир чиптага доир ҳаққоний маълумот билан тезкор таъминловчи **республикада фаолият юритаётган кинотеатрлар фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимининг** ишлаб чиқилишини, 2022 йил 1 майга қадар ахборот тизимининг тўлиқ синовдан ўтказилишини таъминласин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 августдан бошлаб мазкур ахборот тизимига уланмаган ҳолда кинотеатр (кинозал)ларда фильмлар намойиш этиш **чакана савдо қилиш қондаларини бузиш сифатида баҳоланади**.

15. Агентликнинг Марказ ҳузурида **ахборот-мультимедиа стриминг платформасини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар ахборот-мультимедиа стриминг платформасини ишга тушириш ва уни доимий тўлдириб бориш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Марказ маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

2021-2022 йиллар давомида Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган **100 миллиард сўм миқдоридagi бир маргалик ажратма**;

Марказ маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарилган фильмлар кинопрокатидан тушадиган тушумлар;

Марказ маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қайтариш шарти билан молиялаштирилган фильмлар бўйича қайтарилган маблағлар;

бўш маблағларни вақтинча жойлаштиришдан, лотерея ташкил этиш ва унинг фаолияти орқали олинадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг ҳўмийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

17. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар, эксперимент тарихидада, Агентлик маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариладиган фильмларга жалб қилинган инвестиция маблағлари натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари Марказга йўналтирилади.

Бунда:

Агентликка Давлат бюджетидан фильм ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида уларнинг иқтисод қилинган қисми Марказга йўналтирилади;

Марказга йўналтирилган маблағларнинг 15 фоизигача миқдори инвестиция маблағларини жалб этган юридик

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ Тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**“Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасасининг тузилмаси** 4-иловага мувофиқ; **2021-2022 йилларда миллий кинематография соҳасини ривожлантириш “Йўл харитаси”** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Бош директорига, зарур ҳолларда, Агентликнинг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда “Қорақалпоқчино” агентлиғи, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари тузилмасига ҳодимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.А.Абдуҳакимов) бир ой мuddатда Агентлик марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотлари раҳбар ва ҳодимларини уларнинг билим ва салоҳиятлари бугунги кун талаблари ва эғаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказсин ҳамда уларни малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

молиялаштириш манбаидан қатъи назар, маҳаллий

кинокомпаниялар томонидан ишлаб чиқарилган фильмлар ва уларнинг бошланғич материаллари, шунингдек, республикада амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўйича тайёрланган видео ва фото материаллар сақлаш учун бир нусхада Ўзбекистон миллий кинофондига топширилади;

мазкур қарорга мувофиқ тугатилаётган унитар корхоналарнинг қолдиқ маблағлари, уларга тегишли бино (ишоот)лар ва моддий-техника базаси Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳисобига ўтказилади.

5. Агентлик ва “Danmon group” компанияси (Дания Қироллиғи) ўртасида 2020 йил 8 октябрда кино ишлаб чиқариш қурилмалари, технологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотларини харид қилиш бўйича танлов савдолари асосида импорт шартномаси имзоланганлиғи маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиғи уч ой мuddатда имзоланган импорт шартномасининг олдиндан 15 фоиз тўловини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин. Бунда, импорт шартномаси ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида рўйхатдан ўтказилади.

Импорт шартномасининг қолган 85 фоиз тўловини қоплаш учун “Ўзмиллийбанк” АЖ Австриянинг “Райффайзенбанк”

банкидан 5 йил мuddатга, шу жумладан, 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 0,8 фоиз ставкада жалб қилинадиган кредит линияси ҳисобидан кредит маблағларини ажратсин ва кредит бўйича “Ўзмиллийбанк” АЖнинг маржасини 1 фоиздан оширмаган ҳолда белгиласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Австриянинг “Райффайзенбанк” банки кредити бўйича асосий қарзни қоплаш, фoиз, суғурта ва комиссиялар бўйича тўловлар Молия вазирлиғи Газначилиғида очиладиган махсус ҳисоб рақамда тўпландиган сотиб олинган кино қурилмаларидан фойдаланишдан тушадиган пул маблағлари, етмай қолган қисми эса Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

кредитнинг импорт шартномасига асосан сотиб олинаётган кино қурилмалари билан қопланмаган қисми бўйича “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан таъминот сифатида гаров расмийлаштирилмайди;

импорт шартномаси бўйича харид қилинадиган кино қурилмалари, технологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотлари “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУКнинг моддий-техника базасини қунайтириш учун йўналтирилади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш

ёки жисмоний шахсларга рағбатлантириш сифатида ажратилади.

Молия вазирлиғи Агентлик билан биргаликда эксперимент натижаси бўйича уни давом этириш мақсада мувофиқлиғи юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

18. Агентлик:

а) **бир ҳафта мuddатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини киритсин;

б) **икки ой мuddатда**:

Молия вазирлиғи билан биргаликда давлат буюртмаси асосида фильм ва сериалларни ишлаб чиқариш бўйича ижодий танлов ўтказиш тартибини тақомиллаштириш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи билан биргаликда давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм ижодкорларини тоғфалаш;

“Кинематография фидокори” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. 2024 йил 1 январга қадар 3-иловага мувофиқ кинокомпаниялар моддий-техника базасини қучайтириш ва кинотеатр (кинозал)лар учун товарлар олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Мазкур Фармон ихросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А.Абдуҳакимов ва Агентлик бош директори Ф.Ф.Абдухаликов белгилансин.

Фармон ихросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

|                                                             |                    |
|-------------------------------------------------------------|--------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>                   | <b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b> |
| <div></div> <div>Тошкент шаҳри,<br/>2021 йил 7 апрель</div> |                    |

# ТАЪМИРЛАНГАН йўЛЛАР ҚАНЧА мuddат хИЗМАТ қИЛИШИ КЕРАК?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.*

### «Ҳукумат соати»

Ўзбекистон “Миллий тикла-

ниш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар “Мамлакатимизда умумий фойдаланишдаги ва халқро тоифадаги автомобиль йўллари-нинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда замонавий автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш ва қуриш борасида амалга ошири-лаётган ишлар тўғрисида”ги ма-салани муҳокама қилди. Халқ ва-килларининг бу бўйича саволла-рига Ўзбекистон Республика-си Транспорт вазири Илҳом Маҳаммов жавоб берди.

Кайд этилганидек, мамлака-тимизда бугунги кунда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари узунлиги 42 869 км.ни ташкил этиб, шундан 3 993 км. халқаро, 14 203 км. давлат, 24 673 км. маҳаллий аҳамият-даги автомобиль йўллари ҳисобланади.

Транспорт вазири халқаро автомобиль йўлларининг аҳа-ми-я ва бугунги кундаги ҳолати, амалга оширилаётган қурилиш ҳамда реконструкция ишлари, молиявий манбалари, шунинг-дек, режалар ҳақида маълумот берди.

Таққидланганидек, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлла-

рини замонавий талабларга мослаштириш ва техник пара-метрларни ошириш борасида бир қанча амалий ишлар олиб бoрилмокда. Хусусан, ҳозирги кунда ҳамда келгусидаги амал-га ошириладиган лойиҳаларда цементобетон қопламали йўллар қуришни, автомобиллар қайрилиб олиш жойларини ер устидан ёки ер остидан ўтқа-зишни, йўл ва кўприklar ҳамда транспорт ечимларини мукам-мал лойиҳалаш ҳисобига халқ-ро ва давлат аҳамиятидаги ав-томобиль йўлларига ҳаракатла-нишда хавфсизликни ҳамда қулайлиқни оширишга эътибор қаратилмокда.

“Ҳукумат соатида”да вазир пуллик автомобиль йўллари қурилиши ҳақида ҳам маълумот берди. Хусусан, Тошкент — Андижон ҳамда Тошкент — Самарқанд пуллик автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси ва бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари-га тўхталди.

Кайд этилишича, 2020 йилда жами 5,2 трлн. сўм миқдорда автомобиль йўлларини қайта қуриш, таъмирлаш ҳамда сақлаш ишлари бажарилиб, 6 442,6 км. автомобиль йўлла-ри қайта қурилган ва таъмир-

ланган. Капитал таъмирлаш дастури доирасида 352,7 млрд. сўм миқдоридa маблағлар ўзлаштирилиб, 114,2 км. авто-мобил йўли ҳамда 3 дoна 121,7 км кўприklar (36 та объект) лoл таъмирланган. Умумий фойдаланишдаги авто-мобиль йўлларини жорий таъ-мирлаш ва сақлаш бўйича 1,8 трлн. сўм маблаг ўзлашти-рилиб, 2 308 км. автомобиль бўйича 394,7 млрд. сўм миқ-доридa ишлар уддаланган, 1 529,2 км. ички йўлларда қури-лиш ва таъмирлаш ишлари ба-жарилиб, фойдаланишга топ-ширилган. Инқирозга қарши курашиш жағмараси маблаг-лари ҳисобидан 2 026 км. йўллар таъмирланган.

Депутатлар йўл қурилиши бўйича сайловчилар томонидан қўллаб масалалар кўтарилаёт-ганини қайд этиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Хусусан, умумий фойдала-нишдаги автомобиль йўллари-да доимий таъмирлаш ҳаракат-лари олиб бoрилаётганин, ўтган йили 6 442,6 км. йўллар қайта қурилгани ва таъмирлангани, бироқ негадир замонавий талабларга жавоб бeрадиган, равон, кенг ҳамда ёруғ йўллар-га эриша олмаётганлигимиз бўйича изох суралди.

Депутатларнинг таъмирлан-ган йўлларнинг бир йил ўтмай яна таъмирталаб ҳолатга келиб

қoлишига нима сабаб бўлаёт-гани, бунда йўл қурилиши кор-хоналарининг масъулияти қай даражада экани, таъмирланган йўл қанча мuddат хизмат қи-лиш кераклиғи мазмундаги са-волларига вазир жавоб берди.

Шунингдек, халқ вакиллари томонидан умумий фойдала-нишдаги, хусусан, халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларини (M39, M37, M34, A380, A379, A378) замонавий стандартларга мослаштириш, жумладан, кенглиги, юк кўтариш қобилияти, равонлиғи ва ёруғ-лигини яхшилаш бўйича олиб бoрилаётган тизимли ишлар ҳамда режалар юзасидан қўшим-ча маълумот бeриш сўралди.

Транспорт вазири депутатлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда саволлар бўйича алоҳида тўхталиб, соҳа-да олиб бoрилаётган ислохот-лар ва келгусидаги режалар, йи-рик лойиҳалар юзасидан ахбо-рот берди.

Ўз навбатида, “Миллий тик-ланиш” ДП фракцияси вазир жавобидан қониқмаганлигини, қўллаб саволлар очиқ қолган-лигини, бу масала доимий на-зоратда бўлишини қатъий билдирди.

Кизгин баҳс-мунозараларга бой кечган “Ҳукумат соати”да ушбу йўналишдаги ишлар қўла-минчи кенгайтириш, бу борада самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

ишлари сустлиғи, айрим ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдала-нилмаётганлиғи танқид қилинди.

Тадбирда Давлат дастурининг ижроси жамоатчилик эътиборида бўлиши, бу бо-рада жамоатчилик назорати тадбирлари мунтазам ўтказилиши қайд этилди.

### ДАСТУР ИЖРОСИ жамоатчилик эътиборида

◀1 Туризмни ривожлантириш дав-лат қўмитаси, Ахборот техноло-гиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи, Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таъ-лим, Ташқи ишлар ҳамда Транспорт ва-зирликлари, Қорақалпоғистон Республика-си Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар вакил-лари бу борада амалга оширилган ишлар бўйича батафсил ахборот берди.

Шунингдек, дастур ижроси бўйича кузатилаётган муаммолар, хусусан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, соҳа-даги ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қув-ватлаш, айниқса, пандемиянинг салбий таъсирибн юмшатиш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратилди. Зийёрат туризми ва маданий мерос объектларига олиб бoрув-чи йўлларнинг талаб даражасида эмасли-ғи, туристик объектларни тарғибот қилиш

ишлари сустлиғи, айрим ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдала-нилмаётганлиғи танқид қилинди.

Тадбирда Давлат дастурининг ижроси жамоатчилик эътиборида бўлиши, бу бо-рада жамоатчилик назорати тадбирлари мунтазам ўтказилиши қайд этилди.

|                                                   |  |
|---------------------------------------------------|--|
| <b>Мунисхон ҚАРИМОВА</b><br><b>(«Халқ сўзи»).</b> |  |
|---------------------------------------------------|--|

|                                                                   |  |
|-------------------------------------------------------------------|--|
| <b>Олий Мажлис Қонунчилик палатаси</b><br><b>Маъбуот хизмати.</b> |  |
|-------------------------------------------------------------------|--|

СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ  
ВА ТЕЗКОР

Мамлакатимизнинг изчил ривож, жумладан, иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири давлат бошқаруvinинг сифат ва самарадорлигига боғлиқ. Шу боис янги бозор шaroитида давлат хизматларини кўрсатишга талаб ошмоқда.

## ■ Муносабат

Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шарoитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони биз учун инновацион ҳисобланган тамойил ҳамда механизмларнинг жорий этилишига йўналтирилганлиги билан ахамиятлидир.

Унга кўра, 2021 йил 1 июндан фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувиш шаксларни тиббий қўриқдан ўтказиш, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилади. Яъни эндиликда фуқаролар доимий ёки вақтинча пропискиси қаерда бўлишига қарамасдан фарзандлари туғилганлиги ёки никоҳ ҳақидаги гувоҳномаларни ва шу каби бошқа ҳужжатларни республикаимизнинг исталган жойида расмийлаштириши мумкин. Қолаверса, никоҳ тузишдан аввалги тиббий қўриқ ҳамда хориж паспортини олиш ҳам осонлашади. Биргина шу тамойил жорий этилишининг ўзи овозгарчилик ва харажатларга чек қўйилишига олиб келади.

Фармонда бундай янгилıklar талайгина. Хусусан, шу йилнинг 1 июнидан бошлаб нотариал харажатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзуви билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча буюм талаб қилмасдан, “ФХД”нинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинди.

Фуқароларимизга давлат хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш билан бир қаторда, уларнинг конуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида урғу берилган. Эндиликда давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, давлат хизматини

Санобар СУЯРОВА,  
Олий Мажлис Сенати аъзosi.

тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир иш кўни ичида қайтарилади. Бу маблағ агентлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан регресс тартибда ўндириб олинади. Ҳолбуки, бир неча йиллар аввал биз бундай бўлишини тасаввур ҳам қила олмадик.

Мазкур Фармонда яна бир жиҳат борки, уни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Хусусан, ҳужжат билан бир қатор давлат органлари ва ташкилотларининг айрим турдаги маълумотлар ҳамда электрон кўринишдаги ҳужжатларни “Электрон ҳукумат” тизими идораларо интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда бериш ваколати аниқ белгиланди. Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирлиқлари, Давлат персоналлаштириш маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги ҳамда бошқалар шулар жумласидандир. Эндиликда “Электрон ҳукумат” тизими орқали ўзаро ҳамкорлик қилаётган давлат органлари қайси электрон ҳужжатни қайси идорадан қай тарзда сўраб олишни яхши билади. Бу эса барча жараёнининг аниқ, маълумотлар эса тўғри ва ишончли бўлишини таъминлайди.

Фармон билан айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда оптималлаштириш бўйича “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланганлигини айтиш зарур. Унда кўзда тутилган чора-тадбирлар инсон ва вақт қадри нуктаи назаридан муҳим. Қолаверса, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида коррупция ҳолатларига буюқ барҳам беради.

Умуман, мазкур ҳужжат давлат хизматларининг сифатли, қулай ва тезкорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу халқимиз учун айни муддаодир.

## ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИГА

## ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛГАН ВОҚЕЛИК

Шавкатли Амир Темур ва замонавий дунё фалсафасининг забардаст вакили Ибн Халдун. Бири — дунёни титратган шон ва қудрат соҳиби, иккинчиси — илму ирфони билан алломаларни ҳайратга солган буюк донишманд, Ғарб тамаддунига маёқ ёққан Шарқнинг бемисл файласуфи.

Бу икки даҳо тақдирнинг гаройиб жилваси ила рўбарў келади. Уларнинг суҳбати тарих зарваракларига “инсоният тарихининг олтин даврини бошлаб берган воқелик” сифатида қайд қилинган.

## 9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

Ибн Халдун 52 ёшида Мисрнинг Қоҳира шаҳрига келади ва умрининг охиригача шу ерда умргузаронлик қилади. Мисрда яшаган пайтда мамлуқлар султони Барқуқ ва унинг қатта ўғли Фаражнинг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Амир Темур 1400 йилда Шомга ҳарбий юриш ҳаракатида бўлган пайтда уни тўхтатиш учун султон Фараж қўшини билан бирга Мисрдан Шомга борган. Ибн Халдун “Ат-Таъриф” номи ли автобиографик асарида бу ҳақда батафсил маълумот берган.

Амир Темур Сивасни қўлга киритгандан сўнг мамлуқлар қўл остидаги ҳудудларга йўл олади. Халаб, Ҳама ва Хумусни забт этади. Навбатдаги юриш Шомга қаратилади. Амир Темур қўшинини Шомда тор-мор қилишни режалаштирган султон Фараж Ибн Халдун бошчилигидаги бир гуруҳ олимларни бошлаб Шомга боради. Бу хабар Соҳибқиронни тараддудга солади.

Ибн Халдун бу воқеани ўз асарида “икки қўшин бир ой мобайнида биририни узокдан кузатиш билан чекланди”, дея баён қилган. Айни пайтда Шомда қўрилмаган бир воқеа юз беради. Султон Фараж бу ҳодисада Амир Темурнинг қўли борлигидан шубҳалана бошлайди. Қўшинда саросима бошланади. Айрим кўмондонлар ўз қисмини олиб, султон амрига бўйсунмай Қоҳирага қайтиб кетади. Миср тахти ҳафси остида қолишни ўйлаб, Фараж ҳам Қоҳирага қайтишга қарор қилади. Шу тариқа Шом Амир Темур қаршисида ҳимосияз қолади.

Шом халқи Амир Темурдан омонлик тилаш учун Бурхониддин қозини юборади. Буюк Турон амири қозининг сўзларини тинглаб бўлгач, ундан “Ибн Халдун Мисрга султон қўшини билан бирга кетдими ёки Шомда қолдими?” дея сўрайди. Қозни Бурхониддин бу саволдан ҳайратга тушади ва олимнинг Шомда эканлигини айтибди. Соҳибқирон донишманд Халдун билан кўришишга шошилади.

Ибн Халдун “Ат-Таъриф” асарида Амир Темурнинг тақлифини тунда олганлиги ва шу тўғрйли бир оз ҳадисираганлигини қайд қилган. Лекин айтилган пайтда дарво-

за олдида кутиб турган Шоҳмалик исмли ноиб билан бирга Соҳибқирон ҳузурига йўл олганлигини ҳам таъкидлайди.

Манбаларда қайд этилганидек, Ибн Халдун Амир Темур билан тўрт марта учрашган. Бу учрашувларнинг мазмунини ўз асарида батафсил баён қилган.

Ибн Халдун илк учрашуви кизиқарли тасвирлайди. Соҳибқирон чодирга яқинлашганда олимни қўшни чодирга олиб киришди ва ўша ерда маълум муддат кутиб ўтиради. Амир Темур ҳузурига кирганида эса уни Магриби Молиқий қозни сифатида таништиришди. Соҳибқирон эса Халдун тасвирига қараганда, ёнбошлаб, чодир тўрида ўтирган эди. Олим ичкарига кириб Амир Темурнинг қўлидан ўпиб, у кўрсатган жойга ўтиради. Мулоқот таржимон Абдулжаббор бин ан-Нўмон орқали олиб борилади.

Амир Темур унинг Магрибнинг қаеридан ва нега келганлигини сўрайди. Олим юртидан ҳаж учун чиқиб Мисрга денгиз орқали келганлиги, у ерда тахтга Барқуқнинг қиқши муносабати билан ташкил қилинган шодёналарга қўшилиб қолиб кетганлиги, султоннинг унга нисбатан яхши муносабатини сўзлаб беради. Амир Темур унинг оиласи, қариндош-уруғи, фарзандлари ва уларнинг қаерда эканлигини сўрайди. Кейин Шимолий Африка ҳудуди, у ердаги мамлакатлар, инсонлар ҳақида сориштиради. Танжа, Сабта, Марокаш ва Сижилмо-са шаҳарлари ҳақида эринмай сўрайди. Айтилган гаплардан қоникмаган Соҳибқирон олимга топишири беради: “Уша худудларни шундай тасвирлаб ёзгини, ўқиганда уша жойларни ўз кўзим билан кўргандек бўлайин”.

Халдуннинг Амир Темур билан илк учрашуви ана шундай кенди. Халдун уйига қайтиб, Шимолий Африка ҳудуди ҳақида мукамал йўл қўрсаткич тайёрлашга киришди ва бир оз вақт ўтиб уларни илмий-жўрғойий рисола шаклида тақдим қилди.

Олим “Ат-Таъриф”да Амир Темурнинг майдонга чиқиши билан боғлиқ қизик бир воқеани тилга олган. Улуғ амир билан 1400 йилда

учрашган бўлса, роппа-роса 40 йил олдин рўй берган бир воқеани эслайди. Ибн Халдун 1360 йилда Марокашда Қоравиййин масжидида фалақийёт илми билан шуғулланиб юрадиган бир олим билан учрашиб қолади. Суҳбатда фалақийётчи олим “Шимолий-Шарқ халқлари орасидан қудратли бир кўмондон чиқди ва қатта давлатларни тиз чўқтириб, дунёнинг аксарини ҳукми остига олади”, деган эди. Халдун бу каби яна кўплаб ривоятлар эшитганини ва уларнинг ҳаммасида Амир Темурнинг тарих майдонига чиқиши башорат қилинганини айтиди.

Ибн Халдун ўз таъбирига кўра, кўркувдан Амир Темур билан бўладиган иккинчи суҳбатга жиҳдий тайёргарлик қўради. Соҳибқироннинг ғазабига мубтало бўлмаслик учун айтадиган маълумотларини ёлдайди. Сўзни у билан кўришишни 40 йилдан бери орзу қилгани ҳақидаги илтифот билан бошлайди. Таржимон Абдулжаббор бин ан-Нўмон бунинг сабабини сўраб қолгач, изоҳлашга тушиб кетади. Ибн Халдун Амир Темурнинг нега бунчалик қудратли эканлигини ўзининг машхур руҳшунослик назарияси асосида тушунтиради.

Тарих ва тақдир ҳақидаги иккинчи суҳбат тонгача давом этади. Амир Темур бу суҳбатдан гоят мамнун бўлади. Олимни совға-саломлар билан сийлаб, уйига кузатиб қўйишларини буюради. Тонгда эса Шомга юриш бошланади ва у забт этилади.

Ибн Халдун Амир Темур билан учинчи марта кўришни аввалда совға-салом беришни ният қилган. Олимнинг хотира китобида бу совғалар ҳақида қўйидаги маълумотларни ўқш мумкин эди: нихоятда ҳусни хат билан ёзилган Қўрьони қарим, Шомнинг энг уста гиламчилари тўқиган шойи жойнамаз, Мухаммад бин Саид Бусирийнинг “Қасидат-ул бурда” номи билан машхур бўлган 160 байтли “Қавокибд дуррийи фи мадҳи ҳайрли барийи” номли қасиданинг ҳо нусхасидан ҳамда Мисрнинг машхур ширинликларидан тўрт қўти олиб боради. Халдунни ҳончодирда Амир Темур ўрнидан туриб кутиб олади ва унга ўнг томонидан

жой кўрсатади. Ибн Халдун келтирган совғаларини бирма-бир таърифлаб тақдим қилади. Соҳибқирон Қўрьони қаримни кўргач, ўрнидан туради ва ўпиб, бошининг устига қўйиб ҳўрмат бажо келтиради. Қасидани олгач, асар ва унинг муаллифи ҳақида саволлар бериб, марок билан тинглайди. Жойнамаз-ни қўлига олиб, ўпиб ёнига қўяди. Қолган ширинликлар учун ҳам миннатдорлик билдириб, ахли мажлисга тортиқ қилади. Шу суҳбатдан сўнг олим Амир Темурнинг ҳўрмати ва ишончини тўлиқ қозонган эди. Буни олимнинг ўзи ҳам таъкидлайди.

Соҳибқирон совғаларни олиш жараёнида Халдун Шомда уста хаттотлар, ҳофизи Қўрьонлар ва авлиё зотларнинг кўпчилигини айтиди. Буюк амир “Улар нимани истайдилар?” деб сўраганида “Улар сизнинг ҳўқмингиз остидаги ҳудудларда эмин-эркин, сизнинг ҳақингизга дуо қилиб, халқни тарбия қилишни исташади. Бунинг учун уларга муҳрли дахлсизлик хати беришингизни сўрашяпти”, дейди. Амир Темур олимнинг бу истагларини бажаришга буюрқ беради. Шом олимлари, дин вакиллари ва эътиборли кишиларига ана шундай дахлсизлик хати берилади.

Соҳибқирон Шомни ўз ҳўқмига олгандан сўнг бу ерда кўп қолмай, бошқа юришларга ҳозирлик кўра бошлайди. Шомдан қиқиб кетиш олдидан Амир Темур Ибн Халдунга совға бериб, ҳурсанд қилишни истаиди ва буни усталик билан амалга оширади. У олимга “Ҳақирингизни сотинг”, дейди. “Мен бир бенаво фақир кул бўлсам, сиз шавкатли амир бўлсангиз, ҳақир эмас жонимиз ҳам сизга қурбон”, деб жавоб беради у. Соҳибқирон олимнинг эътирозига қарамай ҳақирини сотиб олади.

Амир Темур сўнгги учрашувда арқони ва ўғлига Ибн Халдун каби олимлар ҳар қандай давлатнинг устунирли эканлиги, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриш зарурлиги ва бундай инсонларни асраш кераклигини таъкидлайди. Ибн Халдун Амир Темурнинг олим ва элнинг олд кишиларига кўрсатадиган

Донишманд олим билан дунёни забт этган Соҳибқирон ўртасидаги суҳбат ва яқинлик араб дунёси учун фақулодда катта муваффақият эди. Ибн Халдун Амир Темур билан учрашиши натижасида Мисрга беқибс шартномалар билан қайтади. Тарих зарваракларига ёзилган бу суҳбатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш тадқиқотчиларни қўрибди. Ҳар бир даврнинг буюқлардан ўрганадиган ҳикматлари бўлади. Ҳўқмдор ва олимнинг суҳбатлари ҳам ана шундай бораҳёт мавзулар сирасига кирилади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори.



ган эҳтироми ҳақида эшитган эди, аммо бу унинг ҳаёт фалсафаси эканлигини ўз бошидан ўтказганидан кейингина тушуниб етди. Амир Темур унга ёнида қолиб қозиколлик қилишини тақлиф этади, бироқ олим Соҳибқироннинг ўзига ва араб халқига кўрсатган жўмардлиги учун миннатдорлик билдириб, юртига қайтишга ижозат сўрайди.

Шундай қилиб, Ибн Халдун Шом билан видолашиб, Мисрга йўл олади. Миср арқони ва яқинлари уни аллақачон ўлдига чиқариб бўлишган эди. Унинг шаҳарга кириб келиши ҳаммани ҳайратга солади.

Шом таслим бўлгач, мамлуқлар султони Амир Темур билан сулҳ тузиш учун элчи юборади. Фақат элчи талотумлардан кўриб, Шомга кеч етиб боради ва Халдундан кейин Мисрга қайтади. Шу боис мисрликлар Ибн Халдуннинг тақдир ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдилар. Элчи Мисрга қайтиб, Амир Темур бериб юборган қатта миқдордаги маблағни султонга кўрсатади ва бу Ибн Халдун ҳақирининг пули эканлигини, омонати ўз эгасига бе-нўқсон етказишни таъкидлаганини айтиди. Султон “Дунёни сўраган жаҳонгир сиздек олим олдида қарздор бўлишни истамабди”, дея олтинларни Ибн Халдунга тақдим қилади.

Ибн Халдуннинг Амир Темур билан учрашуви ва суҳбати, шубҳасиз, Шарқ ислом тарихининг энг диққатга сазовор воқеасидир. Унинг Соҳибқирон ҳақидаги объектив фикрлари ҳақида тарихчилар “орадаги самимий туғайли” деб ёздадилар.

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА  
ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

## «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан Наманган вилоятида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун мамлакатимиз тижорат банклари фаолияти тобора замонавийлашиб бормоқда. Яъни энди банк ходимлари офисда ёки кабинетда мижоз келишини пойлаб ўтирмайди, аксинча, маҳаллаю қишлоқларда юриб, одамлар билан мулоқотда бўлиб, банк хизматларини тарғиб қилишяпти. Амалий кўмакларини тақлиф этяпти. Бу — замон талаби. Кучли рақобатда муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат қилиш зарур.

QISHLOQQURILISHBANK



Айтиш жоиз, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ жамоаси ана шундай тамойил асосида ишлаб, ҳам бўлаётгани йўқ. Бинобарин, улар билан ҳамкорлик қилувчилар сафи ҳам, ажратилаётган кредит ва кўрсатилаётган хизматлар ҳамми ҳам тобора кенгаймоқда. Бунга банкнинг Наманган минтақавий филиали фаолияти яққол мисол бўла олади. Зеро, филиал томонидан тақдим этилаётган

сармоялар, кўрсатилаётган хизматлар иқтисодиётнинг барча тармоғини қамраб олмақда.

Хусусан, Поп туманидаги “Тўда наслии чорва” фермер ҳўжалиги молия муассасаси туман филиалининг доимий ва ишончли мижозларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, фермер ҳўжалигига Австрияда фаолият олиб борувчи “Schalk Nutztiere GmbH” билан ту-

зилган шартнома асосида зотли чорва моллари харид қилишда филиал кредити асқатди. Яъни банк томонидан 92 минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилиши билан зотдор чорва моллари қисқа фурсатда келтирилди, шу билан бирга, 12 та иш ўрни яратилди.

Ҳўжалик тасарруфида жами 43 гектар ер майдони мавжуд. Шундан 1 гектар ерга молхона қурилган. Айни пайтда 32 бош йирик чорва моллари парваришланмоқда. Фермер ҳўжалиги раҳбари Жасурбек Шодмоновнинг айтишича, “Қишлоқ қурилиш банк” билан ўрнатилган самарали ҳамкорлик бу ерда 130 дан ортиқ наслии ва 300 дан зиёд маҳаллий молларни парвариш қилиш имконини берди. Хусусан, Австриядан “Симментал” зотли наслии моллар олиб келишда банкнинг қўллаб-қувватлаши муҳим ўрин тўпти.

Мулкдор бу билан чекланмоқчи эмас. Жорий йилда сўт ҳамда гўштни қайта ишлаш линияларини олиб келиб, ўрнатилиш режалаштирмоқда ва бу лойиҳаларини амалга оширишда ҳам банк кредитлари жалб этилади. Улар ишга тушгач, яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Аслида ҳам шундай бўлиш керак. Чунки зарур хом ашё шу ерда.

Ишчи кучи етарли, шароит бор. Ғоя ва ташаббусларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун банк ўз хизматларини тақлиф этиб турибди.

Шундай экан, тадбиркор учун яна нима керак? Ташаббус ва аниқ режа бўлса бас! Қолаверса, гўшт ҳамда сўт сотишдан кўра, уни қайта ишлаб, бозорга чиқариш бир неча баробар даромад келтириши аниқ. “Тўда наслии чорва” фермер ҳўжалиги раҳбари буни яхши билади. Шунинг учун ҳам янги лойиҳаларга қўл урмоқда.

Попликларга янада  
қулай бўлди

Яқинда “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Поп филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбир ўзига хос байрамга айланди. Зеро, бу шунга аризлиб воқеа. Чунки филиалда банк ходимлари учун ҳам, мижозлар учун ҳам барча қулайлик яратилган. Бу шароит замонавий ва қулай банк хизматларидан узокқа бормасдан фойдаланиш имконини беради.

Янги бинода эндиликда банк мижозларига бухгалтерия ҳўсуб-китобла-



ри, валюта айирбошлаш, пул ўтказмалари ҳамда турли тўловлар билан боғлиқ зарур хизматларни шу ернинг ўзида тезкор ва сифатли кўрсатиш мумкин бўлади.

— “Қишлоқ қурилиш банк” хизматларидан 15 йилдан буюн фойдаланиб келаман, — дейди мижозлардан бири Аҳаджон Рустамов. — Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик фаолиятимни бошлашим ва кенгайтиришимда банк ходимларининг тезкор равишда қўллаб-қувватлаши, самимияти муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Омонат ёки кредит борасида фоизларнинг мақбуллиги ҳам биз учун

гоят фойдали бўлгани боис, айнан мазкур банк хизматларига доимий равишда мурожаат қиламан.

Қурилишдан тортиб,  
қоғоз ишлаб  
чиқаришгача

Айтиб ўтганимиздек, банкнинг Наманган минтақавий филиали ҳар соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ташаббуслари амалга оширишда яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, айни шу ҳамкорлик туғайли “Жаҳон қурилиш таъмирлаш” МЧЖ Наманган шаҳридаги “Юксалиш” МФЙ ҳудудида 2 та кўп қаватли тураржой барпо этмоқда.

Жамиятга ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2 марта кредит ажратилган. Биринчисининг миқдори 2 миллиард 500 миллион сўм бўлса, иккинчи мартабада 5 000,0 миллион сўм тақдим этилди.

Мазкур лойиҳа асосида аҳолига сифатли, замон талабларига жавоб берадиган 2 та 7 қаватли, жами 84 та хонадондан иборат тайёр ҳолда эгасига топшириладиган замонавий уй-жой барпо этилмоқда.

Қолаверса, лойиҳа асосида 50 та

мавсумий иш ўрни яратилган. Шу билан бирга, жамият томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Golden” МЧЖ фаолияти ҳам диққатга сазовор. Чунки ушбу жамиятга банк томонидан 4 мартаба кредит маблағи ажратилган. Бу бир жиҳатдан банкнинг тадбиркорларни ҳеч иккиланмасдан қўллаб-қувватлашига мисол бўлса, иккинчи тарафдан ўзаро ишонч самараси ҳамдир.

Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга тушгандан сўнг йилгига 29,6 минг тонна қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариб, қадоқлаш натижасида йиллик 295,0 миллиард сўмлик маҳсулотлар реализация қилинади.

Лойиҳа бўйича олиб келинган технологиялар янги авлод технологияси бўлиб, ҳозирги кунда Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Наманган туманидаги “Равнак” МФЙ ҳудудида “Jesko” бренди билан салқин ичимликлар ва ярим-тайёр овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, “Миршкор” МФИда жойлашган “Rouston Bottlers Cluster” МЧЖда сўт ҳамда сўт маҳсулотлари, алкогосиз салқин ичимликлар, шарбатлар тайёрланади ва савдо-си ташкил этилади. Ушбу тадбиркорлик субъектларининг бирига банкнинг 125 000,0, иккинчиси эса 499 900,0 АҚШ доллари миқдорига кредити йўналтирилган. Шу асосда қорхонанинг бирида 12 та янги иш ўрни яратилган бўлса, башқасида яна 200 кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Наманган минтақавий филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар амалда ўз натижасини кўрсатмоқда. Мулкдору тадбиркорлар бизнесини янада мустаҳкамлаб оляпти, одамлар ишли бўляпти, бозор янги ва сифатли маҳсулотлар билан бойияпти. Демак, банк олдида қўйган вазифаларни урдамоқда.

Банк маълумотлари асосида  
Д. УЛУҒМУРОВОД тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 360 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги